**Исмоил ибн Ахмад Сомоний**
**(849-йил, Фаргона – 907-йил, Бухоро)**
**(874-907)**

Ўзбек давлатчилиги тизимида хукмронлик килган сомонийлар сулоласининг йирик вакили. Унга “амири-мозий” - “дунёдан ўтган амир” деган лакабни берганлар. Аббосий халифа Муътамид (870-892) Рофе ибн Лайс кўзголонини бостиришда ёрдам берган сулола асосчиси Сомонхудотнинг ўгилларидан Наср И ибн Ахмадни Мовароуннахрга ноиби (873-893), Исмоил Сомонийни эса Бухорога хоким этиб тайинлаган. Аммо ака-ука ўртасида ихтилоф пайдо бўлиб, улар икки бор ўзаро уруш килган. Биринчиси сулх билан якунланган, иккинчисида Исмоил Сомоний голиб келганига карамай, акасининг хокимиятини тортиб олмаган.
893-йил Наср И вафот этгач, халифа Муътазид (892-902) Исмоил Сомонийни унинг ўрнига Мовароуннахрга ноиб килиб тайинлаган. У шу йилиёк Тароз шахрини эгаллаган, 899-йил халифанинг Хуросондаги ноиби Амр ибн Лайс кўшинини тор-мор келтириб, унинг тасарруфидаги ерларни бўйсундирган. 902-йил эса у Табаристон, Рай, Казвин ва Дайламни забт этиб, ўзини халифаликдан мустакил хукмдор деб эълон килган. У 907-йил вафот этгач, ўрнига ўгли Ахмад ибн Исмоил хокимият тепасига келган.
Исмоил бутун Мовароуннахрни ўз кўли остида кучли бир давлат килиб бирлаштирди. Хуросонда ташкил топган Саффорийлар давлатига бархам берди ва уни ўз давлатига кўшиб олди. Натижада пойтахти Бухоро шахри бўлган замонасининг энг йирик мустакил ўрта аср давлати ташкил топди. Бу давлатни сомонийлар хонадонидан бўлган хукмдорлар – амирлар X аср охирларигача идора киладилар.
Исмоил Сомоний, тарихий маълумотларга кўра, окил, одил ва уламоларга хомий хукмдорлардан бўлиб, марказий хокимиятни мустахкамлаш, кучли кўшин тузиш, итоатсиз амирларни бўйсундириш йўлида каттик курашган. У мамлакат ободончилигига хам катта эътибор бериб, кўплаб меъморий иншоотлар курдирган. Наршахий берган маълумотга кўра, Исмоил Сомонийнинг хукмдорлик муддати 30 йил бўлиб, шундан 20 йили Хуросон амири хам эди. Унинг даврида Сомонийлар сулоласидан чиккан хамма амирлар Бухорода турадиган бўлдилар. Ундан олдинги Хуросон амирларининг хеч бири Бухорода турган эмас.